10 НОЯ 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 257 (19.033). • Чоршанба, 7 ноябрь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

**Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллиги! Инсоният тарихида янги давр — социализм ва коммунизм тантанаси даврини очган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!**



Москва. 1984 йил 6 ноябрь. Кремлнинг Съездлар саройи. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллигига бағишланган тантанали мажлис.

# КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

XX асрнинг барча энг муҳим социал ғалабалари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бевосита самарасидир. Россия меҳнаткашлари Ленин партияси раҳбарлигида 1917 йилнинг октябрида ҳокимиятни ўз қўлига олгач, янги жамият — жабр-зулм ва эксплуатациядан ҳоли бўлган, барча миллатлар ва элатлар ягона аҳил, бузилмас оилага бирлашган жамият қуришга киришдилар.

Марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи камситиш, ҳукмронлик ва қарамликдан ҳоли бўлган халқаро муносабатларнинг янги типини амалда қарор топтириб, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қардошлик иттифоқида олға томон дадил бормоқда.

Мамлакатимиз улуғ Ленин васиятларини бажара бориб, социал тараққиётнинг юксак марраларига чиқиб олди. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқда.

Пойтахт корхоналарининг илғорлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари, Москва области меҳнаткашларининг вакиллари 6 ноябрь куни Кремлнинг Съездлар саройига баланд руҳ билан, байрамона кайфиятда келдилар. Бу ерда халқ депутатлари Москва Совети ва КПСС шаҳар комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 67 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари **К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков** ўртоқларни ўринларидан туриб гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳарбий бошлиқлар, ишлаб чиқариш новаторлари ҳам президиумдан ўрин олишди.

Германия Коммунистик партиясининг Раиси Герберт Мис, Люксембург Коммунистик партиясининг Раиси Рене Убрани, Эквадор Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Рене Може Москера ҳам бу ерда ҳозир бўлдилар.

Залда тантаналарда қатнашиш учун келган чет эллик бошқа меҳмонлар, ажнабий дипломатлар бор эди.

Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов тантанали мажлисни очди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикони самимий кутиб олдилар. А. А. Громико «Октябрь йўлидан — бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан» мавзуида доклад қилди.

Доклад зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис тугади. Зал гумбазлари узра Совет Иттифоқи Гимни янграйди.

Сўнгра байрам концерти бўлди. Зўр муваффақият билан ўтган байрам концертида Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

* * *

Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллигига бағишланган тантанали мажлислар бўлди. (ТАСС).

# ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН — БУНЁДКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

## *Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллигига бағишланиб 1984 йил 6 ноябрь куни Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ А. А. ГРОМИКО доклади*

Ўртоқлар!

Йиллар ўтмоқда, ўн йиллар ўтмоқда, 67 йил муқаддам Россияда Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли бошланган озодлик ва социал адолат тонги жаҳон узра тобора ёруғроқ нур сочмоқда.

Октябрь, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, янги даврни — «халқларни империализмдан озод қилиш учун, халқлар ўртасидаги урушларни тўхтатиш учун, капитал ҳукмронлигини ағдариб ташлаш учун, социализм учун» кураш даврини очди.

Дунёда биринчи социалистик давлат туғилган кунни социалистик мамлакатларнинг халқлари, бутун тараққийпарвар инсоният совет кишилари билан бирга нишонламоқдалар.

Революциямиз йиллигини байрам қилар эканмиз, биз Россия пролетариатини тарихий ғалаба сари бошлаб борган большевиклар партиясининг бунёдкори В. И. Лениннинг даҳосига ва жасоратига офаринлар айтамиз.

«Ленин бизга битмас-туганмас мерос қолдирди, — деб таъкидлайди К. У. Черненко. — Бу мерос — бизнинг давлатимиз, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидир. Бу мерос — бизнинг курашда тобланган партиямиз, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. Бу мерос — жамиятни революцион тарзда қайта қуришнинг замон синовидан ўтган назарияси ва методологиясидир». Нақадар аниқ, мазмундор сўзлар.

Замон — холис, одил ҳакамдир. Октябрнинг тарих жараёнига, барча халқларнинг тақдирига революционлаштирувчи таъсири нақадар зўр қудрат билан кучайиб бораётганини мана шу замон кўрсатди.

Дарҳақиқат, ҳозир ер юзида ҳокимият меҳнаткаш халқ қўлида бўлган, одам-одамни эксплуатация қилиши тугатилган, бутун бойлик халқ қарамоғида бўлган мамлакат дунёда борлигини билмайдиган жой қолмаган. Айни шу боисдан ҳам Москвадан, Кремлдан таралган хушхабарлар дунёга яшин тезлигида ёйилмоқда.

Улуғ Октябрнинг ғоялари ва иши давримизнинг байроғи бўлиб қолди. Реал социализм мустаҳкамланиб, марксизм-ленинизмнинг илмий назарияси очиқ-равшан мужассамлашиб бораётганлиги унинг жаҳоншумул-тарихий ролидан далолат берувчи яққол мисолдир. Омманинг меҳнати ва таланти билан социал адолат, чинакам халқ ҳокимияти жамияти, одамларнинг моддий ва маънавий фаровонлиги муттасил юксалаётган жамият барпо этилди.

СССРдаги социалистик жамиятнинг ривожланиши жараёнида янги тарихий бирлик — совет халқи вужудга келиб, таркиб топди.

Социалистик турмуш тарзи — инсонпарварлик, коллективчилик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорликнинг юксак қонунлари асосидаги турмуш тарзи қарор топди.

Энди мамлакатимиз яккаёлғиз эмас. Жаҳон социалистик системаси баҳодирона куч билан қад кўтарди.

Социализм ўзининг битмас-туганмас имкониятларини ва капитализмдан принципиал устунликларини тобора тўла-тўкис намойиш этмоқда. Социализм намунасининг, бебаҳо тарихий тажрибасининг жозибадор кучи ошиб бормоқда.

Бизнинг революциямиз жамиятнинг ривожини ишчилар синфининг, жамики меҳнат аҳлининг манфаатлари йўлига солди. У ҳозирги замоннинг энг муҳим социал проблемаларини амалий равишда ҳал этишни кун тартибига қўйди. Миллион-миллион меҳнаткашларнинг «социалистик ижодиётга» отланишини В. И. Ленин «бу буюк тарихий иш» муваффақиятининг ҳал қилувчи шарти, деб билган эди.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида чинакам қаҳрамонона йўл босиб ўтди. Бу — жуда кенг омманинг новаторларча изланиши, кураши ва фидокорона меҳнати йўли бўлди. Бу йўл мамлакатимизни қудратли социалистик давлатга айлантирди.

Халқимиз бўронлар ва тўфонларга бардош берди, бениҳоя оғир қийинчиликларни енгди, аммо танлаб олинган йўлдан қайтмади ва ҳеч қайтмайди ҳам! Ўз бахтининг ижодкори бўлиб қолган халқни енга оладиган куч йўқ.

Бизга улуғ Ленин партияси раҳнамолик қилмоқда. Марксизм-ленинизмга садоқат, ҳозирги ва эртанги куннинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга илмий асосланган, реалистик ёндашиш — партия фаолиятининг барча соҳаларидаги муваффақиятларнинг гаровидир. КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль, апрель ва октябрь Пленумларининг қарорлари бунинг ишончли далилидир, шу қарорларда партиямизнинг сиёсий йўли, бунёдкорлик ва тинчлик йўли ижодий равишда янада ривожлантирилди.

## I. Ривожланган социализмни такомиллаштириш — Октябрь ишининг давоми

Ўртоқлар!

Советлар мамлакати Октябрь давридан буён жамики тарихий мезонлар жиҳатидан шитобли парвоз қилди. Капиталистик феодал-патриархал тартиблардан дунёда биринчи ривожланган социализм жамияти сари; иқтисодий қолоқликдан — индустриал ва фан-техника тараққиётининг илғор марралари сари; миллий адоват ва зулмдан — халқларнинг бирлиги ва қардошларча дўстлиги сари; омманинг ҳуқуқсизлиги, саводсизлигидан — чинакам озодлик сари; маданиятнинг равнақи сари қилинган парвоз Октябрь мамлакатининг мислсиз қисқа тарихий муддатларда босиб ўтган йўли бўлди.

«Жонли, ижодий социализм халқ оммасининг ўзи яратган социализмдир», — деб уқтирган эди В. И. Ленин. Биз орттирган жамики тажрибани жуда аниқ, жуда муфассал, жуда чуқур анализ қилиш асосидагина социализмни муваффақиятли қуриш мумкин.

Шу тажрибани назарий идрок қилиш ва умумлаштириш туфайли партия биз ўзимизнинг олға томон қилаётган ҳаракатимизда яқинлашиб қолган маррамизда мамлакатнинг шундан аввалги бутун ривожланиши жараёнида тайёрланган сифат силжишлари кун тартибига қўйилмоқда, деган хулосани чиқара олди. Бу силжишлар жамиятимизнинг социал-иқтисодий ва фан-техника тараққиётининг янада юқори поғонага чиқишини таъминлаши лозим. Биз мамлакатимизда қурилган социализмни такомиллаштириш деб атаётган улуғвор ишнинг жонли тўқимаси мана шундан иборат.

Партиянинг бутун диққат-эътибори, унинг амалий фаолияти ҳозир худди мана шунга қаратилган.

КПСС XXVII съездига тайёргарлик ишларига, янги таҳрирдаги партия Программаси устидаги ишга айни шу нарса асос қилиб олинган.

Партиянинг мана шу энг асосий назарий ва сиёсий ҳужжати билан узвий боғлиқ равишда ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий ва социал ривожланишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.

Партиянинг бўлажак съезди совет халқини социалистик жамиятни ривожлантиришнинг аниқ, узоқ муддатли истиқболи билан қуроллантиради, халқни коммунистик бунёдкорликнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишга руҳлантиради.

Ҳозирги босқичда партия ўртага қўяётган бош вазифаларни таърифлайдиган бўлсак, бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

Экономика соҳасида — эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, унга янада жўшқинлик бахш этиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, уни фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш проблемаларини янада зўр ғайрат билан ҳал этиш лозим. Халқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини янада кучайтириш зарур. Ишнинг ҳамма соҳаларида онгли интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга интилиш керак. Совет кишиларининг фаровонлиги муттасил ошиб боришини таъминлаш лозим.

Социал-сиёсий соҳада — партия билан халқнинг бирлигини, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифоқини тинимсиз мустаҳкамлаш керак. СССР миллатлари ва элатларининг дўстлигини кучайтириш лозим. Социалистик давлатчиликни такомиллаштириш, турмушимизнинг демократизмини чуқурлаштириш зарур. Партия ва давлат аппаратининг фаолиятида ленинча услубни қарор топшириш лозим. Социал адолат принципини узлуксиз турмушга татбиқ қилиш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш керак. Бизнинг ахлоқимизга, турмуш тарзимизнинг қадр-қимматига зид бўлган ҳодисаларга қарши муросасиз курашиш зарур.

**(Давоми иккинчи бетда).**

# УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Совет халқларининг қардошлик оиласига катта ва қувончли байрам — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллиги етиб келди. Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам бу байрамни коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида янги-янги зафарлар билан, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларини собитқадамлик ва қатъият билан амалга ошира бориб кутиб олдилар.

6 ноябрь куни Тошкентда Улуғ Октябрнинг 67 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Байрамона безатилган В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройига партия ветеранлари, Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатиш учун олиб борилган кураш қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари келишди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ғ. Ҳ. Қодиров Улуғ Октябрнинг 67 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Октябрь революцияси, деди докладчи, мамлакатимиздаги бошқа халқлар сингари Ўзбекистон халқига ҳам чинакам озодлик келтирди, экономика ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг уфқлар очиб берди. Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан бери ўтган олтмиш йил мобайнида КПСС ва Совет давлатининг оталарча ғамхўрлиги туфайли, улуғ рус ва бошқа совет халқларининг қардошларча ёрдамида социал-иқтисодий тараққиётнинг юксак марраларига эришди. Шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, халқнинг турмуш даражаси тинмай ўсмоқда. Республиканинг меҳнат коллективлари шу йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини ошириш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш учун қатъият билан кураш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XVII пленумларининг қарорлари уларни ана шунга сафарбар этмоқда.

Республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари Улуғ Октябрь санасини кутиб олар эканлар, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга, ядро ҳалокатининг олдини олишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқулламоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида ўз сафларини янада жипслаштириб, Ильич васиятларига, Улуғ Октябрь ишига содиқ эканликларини, коммунистик қурилишга ўзлари қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, В. А. Хайдуров иштирок этдилар.

* * *

Тантанали йиғилиш иштирокчилари Коммунистик партия билан Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

(ЎзТАГ).

# ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН — БУНЁДКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

(Боши биринчи бетда).

Маънавий соҳада — совет халқининг интеллектуал потенциалини бойитиш, илм-фан, маориф, маданият ва санъатни ривожлантириш ҳақида, совет кишиларида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш тўғрисида, уларни ғоявий бирдамлик, юксак ахлоқийлик, ватанпарварлик ва пролетар, социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш лозим.

Халқаро соҳада — социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жипслигини мустаҳкамлаш, жаҳон социализмининг халқаро позицияларини кучайтириш учун ҳамма ишни қилиш керак. Ҳозирги замоннинг барча революцион, тараққийпарвар кучлари билан бирдамликни мустаҳкамлаш лозим. Уруш хавфини тўхтатиб қолиш ва даф қилиш учун, халқларнинг тинчлигини таъминлаш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш зарур. СССРнинг хавфсизлигини кўз қорачиғидек асраш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ошириш керак.

Бу вазифаларни ҳал этишда жуда катта муваффақиятларга эришдик. Ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида яхши ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари янгиланди ва янада анча қудратли бўлиб қолди. Меҳнат унумдорлиги муттасил ўсмоқда. Тартиб, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш соҳасида кўрилган чоралар каттагина иқтисодий самара берди. Ишлаб чиқарилаётган молларнинг сифати ошди, аҳолига хизмат қилиш яхшиланди.

Қуйидаги рақамлар жуда кўп нарсаларни билдиради. 1970 йилдан буён СССРнинг миллий бойлиги 2,3 баравар кўпайди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи шу вақт ичида бир ярим баравар, ижтимоий истеъмол фондлари эса икки ҳиссадан кўпроқ ошди.

КПСС XXVI съездининг бу соҳада, шунингдек кадрлар тайёрлаш, болалар ва даволаш муассасалари тармоғини ривожлантириш, уй-жой қурилиши соҳасида ҳамда бошқа бир қанча соҳаларда энг муҳим кўрсаткичлар юзасидан ҳозир беш йиллик учун ўртага қўйган топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Бу ўринда гап салмоқли натижаларга эришилганлиги ҳақида бормоқда. Шу беш йилликда 24 миллион йигит ва қиз ўрта маълумот олади. 10 миллион киши олий ўқув юртларини ва техникумларни битириб чиқади. 50 миллион совет кишиси ўзининг уй-жой шароитларини яхшилайди. Молларга ва хизматларга, маориф ва соғлиқни сақлашга, социал таъминотга бўлган эҳтиёжлар тобора тўла-тўкис қондирилмоқда.

Оммавий истеъмол қилинадиган бир қанча молларнинг нархлари пасайтирилишидан аҳоли анчагина манфаат кўрганини таъкидлаб ўтмоқ керак. Халқ маорифи ходимларининг иш ҳақини ошириш бошланди. Болалари бўлган оилаларга ёрдам бериш юзасидан катта-катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ғарбда статистикани қалбакилаштириб, совет кишиларининг реал даромадлари тўғрисидаги маълумотларни қўпол равишда пасайтириб кўрсатиш ва айни вақтда буржуа воқелигини уялмай-нетмай безаб тасвирлаш ишқибозлари бор. Уларнинг далил-исботи бизнинг мамлакатимиздаги ва Ғарбдаги меҳнаткашларнинг пул даромадларини механик тарзда таққослаш асосида қурилади. Аммо бу — алдамчилик усули. Совет Иттифоқида ижтимоий истеъмол фондларининг мавжудлиги, асосий турдаги моллар нархининг барқарорлиги ҳақида лом-мим дейилмади. Уй-жой ва коммунал хизматлар учун дунёда энг кам ҳақ тўланиши, бепул медицина ёрдами, бепул маориф ва бошқа кўпгина нарсалар тилга олинмайди, албатта.

Ёки айтайлик, Америкадаги оиланинг даромади тўғрисидаги рақам кўрсатилади. Бу рақам гўё каттадек кўринади. Аммо бунинг замирида нималар яшириниб ётибди? Маълум бўлишича, миллионернинг даромади олинади, уни ишсизга бериладиган арзимас садақага қўшилади ва шу тариқа ўртача даромад деган нарса келтириб чиқарилади. Расмий маъмурларнинг эътирофига кўра, қашшоқликда яшаб турган 35 миллион америкалик учун статистикани бундай қалбакилаштиришдан нима наф тегади? — деган савол туғилади. Бундай бухгалтерия билан уларнинг қорнини тўйғизиш ва кулбасини иситиш мумкин эмаслиги равшан. Дарвоқе, бу қашшоқларнинг тўртдан бир қисми ҳозирги Америка маъмурият ҳукмронлиги даврида шу аҳволга тушиб қолди. Бу ҳайратомуз фактнинг ўзи кўп нарсадан дарак бериб турибдику, ахир!

Меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ўн миллионлаб кишилар капиталистик «Фароғат» ташқарисида қолган. Хўш, одамларга иш топиб беролмайдиган, бинобарин уларни тирикчилик воситасидан маҳрум этадиган жамият, ижтимоий тузумнинг қадр-қиммати нимага арзийди, деган савол туғилади.

Яна бир мисол. Ғарбда турар жой учун меҳнаткашлар қанча ҳақ тўлайдилар? Масалан, америкалик ўртача оила харажатларининг учдан бир қисми фақат турар жой ҳақини тўлашга кетади. Америка Қўшма Штатларида 4 миллион кишининг умуман бошпанаси йўқ. Бу — пропаганда эмас, ҳақиқатнинг ўзи.

Ғайриинсоний капитал дунёсида социал адолат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Социализмнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, уй-жойли бўлиш ва дам олиш ҳуқуқи, бепул медицина хизмати ва таълим олиш ҳуқуқи сингари реал ғалабаларига капитал дунёси ҳеч нарсани қарама-қарши қўя олмайди.

КПСС билан Совет давлати халқ фаровонлигини ошириш масалалари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу йил мамлакат миллий даромади кўпайган қисмининг ҳаммаси социал эҳтиёжларга сарфланаётганлиги бунинг яққол исботи эмасми, ахир.

Шу беш йилликда товар оборотининг энг юксак даражада кўпайиши таъминланганлиги ҳам мамнуният туғдиради. Яқиндагина тақчил бўлган бир қанча молларга талаб амалда тўла-тўкис таъминланмоқда. Бироқ савдо тармоқларини юқори сифатли ва зарур турдаги моллар билан тўлдириш проблемаси ҳали ҳам суст ҳал этилмоқда.

Ҳозирги вақтда халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш системасини ривожлантириш комплекс программаси ишлаб чиқилмоқда. Бу программани амалга ошириш — хўжалик барча тармоқларининг, халқ депутатлари Советларининг, ҳар бир меҳнат коллективининг бурчидир.

Экономикадаги ишларнинг яхшиланиши КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ва шундан кейинги Пленумлари ишлаб чиққан тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли турмушимизга сингиган ижобий ўзгаришлар билан чамбарчас боғланган. Бу тадбирларнинг моҳияти ижтимоий тузумимизнинг имкониятларини, меҳнаткашларнинг жонли ижодкорлигини ҳаракатга келтиришдан, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ишларга омилкорлик билан ёндашувини, бошқарувда қатнашувини кучайтиришдан иборат.

Масъулиятни оширишга, меҳнат, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни бутун халқ маъқуллаб, қўллаб-қувватлади. Партия бу йўлни муттасил ўтказаверади.

Онгли, ҳалол, яхши уюштирилган меҳнат — ҳар бир участкада ишловчи совет кишиси турмушининг таркибий қисми бўлиши лозим.

Ҳалол ишлашни моддий ва маънавий рағбатлантиришни такомиллаштиришга, одамларнинг ижодий ташаббуслари ва новаторлигини ҳар томонлама рағбатлантиришга, социалистик мусобақанинг ташкил этилишини яхшилашга зўр эътибор берилади. Шу билан бирга кадрларга нисбатан талабчанлик янада оширилади, чинакамига меҳнат қилишни хоҳламайдиган кишиларга нисбатан таъсир чоралари кучайтирилади.

Тузумимиз табиатининг ўзига хос социал адолат меҳнат меъёри ва истеъмол меъёри устидан қаттиқ контролликни, меҳнатга қараб тақсимлашдан иборат социалистик принципни амалда янада моҳирона ва тўла-тўкис қўлланишни талаб қилади. Ҳар бир киши умумий ишга қўшган ҳиссасига мувофиқ ҳақ олиши керак.

Бу принципга қатъий риоя қилиниши лозим. Ошкораликни йўлга қўймай туриб, бу ишда меҳнаткашларнинг кенг иштирокисиз мазкур принципга риоя этилишига эришиб бўлмайди, албатта. Омманинг сиёсий тажрибасини, унинг хўжасизлик ва бўшангликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан принципиал, муросасиз ёндашувини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Партия социал-иқтисодий тараққиётнинг янги марраларига эришишнинг бош йўлларини аниқ белгилаб берди. Бу йўллар ижтимоий ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришдан, ўсишнинг интенсив омилларидан максимал фойдаланишдан иборат. К. У. Черненко таъкидлаганидек, «Биз ўн иккинчи беш йилликдаёқ халқ хўжалигининг самарадорлигини оширишда туб бурилишга эришувимиз керак».

Ишлаб чиқаришни интенсивлашда ҳал қилувчи бурилишни таъминлаш шунчаки хўжалик вазифаси эмас, шу билан бирга жуда катта аҳамиятга молик сиёсий вазифа ҳамдир. Бу социалистик жамиятимиз эришган тараққиёт босқичида унинг етуклик кўрсаткичидир.

Биз шу йўл билангина айни бир вақтда мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини оширишимиз, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашимиз ва халқ фаровонлигини муттасил юксалтиришни таъминлашимиз мумкин. Шу йўл билангина мамлакатимизнинг жаҳон экономикасидаги позицияларини янада мустаҳкамлаш мумкин, бу эса давлатимиз учун жуда зарурдир.

Шу сабабли самарадорлик ва сифат учун, меҳнат унумдорлигини ўстириш, моддий ресурсларни тежаш учун кураш — ҳар бир совет кишисининг ҳам вазифаси, ҳам ватанпарварлик бурчидир. Ленин ибораси билан айтганда ишнинг моҳияти «умумий меҳнат асосида илгаригидан кўра яхшироқ, илгаригидан кўра арзонроқ ва илгаригидан кўра кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш»дан иборат.

Фан ва техниканинг ошиб борувчи самарадорлигига, принципиал янги машина ва ускуналар яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга, илғор технологияга таянган тақдирдагина олға силжиш, кўпроқ натижаларга эришиш мумкинлигини ҳаммамиз тушунамиз.

Ҳозир фан-техника тараққиёти билан баббаравар одим ташлаш халқ хўжалигининг барча тармоқларини электрон-ҳисоблаш техникаси билан, роботлар, микропроцессорлар, эпчил ишлаб чиқариш системалари билан илдам суръатларда қуроллантириш демакдир.

Бу ўринда фанимиз учун нақадар кенг уфқ очилганлиги ва шу жиҳатдан фанимиз зиммасига нақадар юксак масъулият тушиши ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ.

Энг замонавий техникани ғоядан ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишгача тезроқ етказишни таъминлаш — замон талабидир. Янгиликка нисбатан қолоқ назар билан қарашни, консерватизмни тезроқ бартараф этиш керак.

Ҳозир экономика олдида турган мураккаб вазифалар бошқарувнинг янги форма ва методларини ҳам талаб қилади. Кейинги йилларда бу соҳадаги иш бир мунча активлашди. Энг муҳим социал-иқтисодий проблемаларни ҳал қилиш учун бошқарувнинг тармоқ ва маҳаллий органлари ташаббусларидан тўлиқроқ фойдаланила бошлади. Яхши ва пухта ўйланган дадил иқтисодий экспериментлар кенг миқёсда ўтказилмоқда.

Партия демократик централизм ленинча принципларини ижодий рўёбга чиқариб, марказлаштирилган бошқарув ва планлаштиришни бундан буён ҳам мустаҳкамлайверади, айни вақтда корхоналар ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ҳуқуқларини кенгайтираверади ва ошираверади, тармоқлар ва регионларнинг манфаатлари энг мақбул тарзда бир-бирига қўшилишига интилаверади, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларини таг-туби билан тугатаверади.

Пировард натижадаги вазифа социалистик хўжалик услуби замиридаги афзалликлардан жуда тўлиқ фойдаланиш имконини берадиган бошқарув системасини пухталаштиришдан иборат.

Белгиланган режаларнинг ҳаммаси ва мутлақо ҳаммасини ҳам амалга оширишга муваффақ бўлингани йўқ. Саноатнинг айрим тармоқлари бир маромда ишламаяпти, мол етказиб бериш планларини уддаламаяпти. Қишлоқ хўжалигининг, агросаноат комплекси барча тармоқларининг самарадорлигини ошириш, капитал қурилишдаги ишларни яхшилаш учун кўп иш қилиниши керак. Бу — халқ хўжалиги соҳасидаги жуда катта аҳамиятга молик вазифадир.

Шу йилги планларнинг ва умуман ўн биринчи беш йиллик планининг муваффақиятли бажарилиши учун ҳозир партия, совет, хўжалик органлари, барча меҳнат коллективлари ҳар бир ходим зиммасига тушадиган юксак масъулият мезони ҳам мана шундан келиб чиқади.

Ўртоқлар!

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили — экономикамизни ривожлантиришда муҳим босқич. Қолган вақтдаги ишнинг натижалари унинг умумий якунларини, демакки, келгусидаги янада мураккаб ва кенг миқёсли вазифаларни ҳал этиш учун асос бўладиган негизни ҳам кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Октябрь байрамини совет кишилари меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Кўпгина саноат коллективлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариб, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ўстиришга ва маҳсулот таннархини камайтиришга эришдилар, мол етказиб бериш интизомини мустаҳкамладилар, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган ўн ойлик топшириқларни муддатидан илгари уддаладилар.

Юз минглаб москвалик меҳнаткашлар ҳам шу катта байрамгача ўз йиллик планларини бажариб бўлдилар. Улар пойтахтликларга хос ҳалол ишладилар дейиш мумкин.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси 40 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтаси кучайиб бормоқда.

Байрам арафаси меҳнатдаги ажойиб ютуқ билан нишонланди — Байкал-Амур магистралининг асосий излари муддатидан илгари ётқизиб бўлинди, бутун трасса бўйлаб поездларнинг иш қатнови бошланди. Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада тўла-тўкис ривожлантириш, бу жуда бой ўлканинг табиий ресурсларини хўжалик оборотига жалб этиш учун янги истиқболлар очилди.

Бу — жуда катта аҳамиятга молик воқеадир. Моддий ва маънавий кучларнинг жуда катта запасларига эга бўлган забардаст мамлакатгина бу ишни амалга ошириши мумкин.

Ўз имкониятларига ишончи комил халқ шундай қилди. БАМ қурувчилари жуда қийин шароитларда ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатиб, таъбир жоиз бўлса, эртанги кунга йўл солдилар.

Дала ва фермаларда виждон билан зўр бериб меҳнат қилинган, бутун агросаноат комплексининг пухта ишлашини таъминлаган ҳамма кишилар халқимизнинг ташаккурига сазовор бўлдилар. Ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари тугалланган ҳозирги пайтда, етиштирилган жами маҳсулотни сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти истеъмолчига ҳеч нобуд бўлмай етиб боришини таъминлаш энг муҳим вазифадир. Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, беш йилликнинг тугалловчи йилида мўл ҳосил олиниши учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини тахт қилиб қўйиш муҳимдир.

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. К. У. Черненко Пленумдаги нутқида мамлакат олдида турган энг муҳим вазифаларни чуқур таҳлил этиш асосида ерларни мелиорациялашнинг кенг миқёсли программасини амалга ошириш ҳозир қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, гарантияланган озиқ-овқат фондини вужудга келтиришнинг ҳал қилувчи омили эканини уқтириб ўтди. Пленум қарорлари — партиянинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсатини ривожлантириш ва конкретлаштиришдаги катта қадамдир.

Омманинг социал активлигида — тузумимизнинг битмас-туганмас резервлари бор. Партиянинг социалистик демократияни янада такомиллаштириш соҳасида амалга ошираётган тадбирлари айни меҳнаткашларнинг ташаббусини ривожлантириш, уларнинг зўр ижодий имкониятини рўёбга чиқариш мақсадини кўзлайди.

Бунда оғирлик маркази жамиятимиз томонидан инсонга бериб қўйилган жуда кенг ҳуқуқларни тўла-тўкис рўёбга чиқариш соҳасига, бу ҳуқуқларни тобора чуқур мазмун билан тўлдириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда гражданларнинг жуда манфаатдорлик билан қатнашишини таъминлаш соҳасига кўчирилмоқда.

Шу сабабли партия аввало социалистик демократиянинг социалистик халқ ҳокимияти органлари бўлмиш барча поғоналардаги халқ депутатлари Советлари замирида яшириниб ётган имкониятларидан яхшироқ фойдаланишга катта аҳамият бермоқда. В. И. Ленин уқтириб ўтганидек, Советларнинг тўла ҳокимиятини «декрет билан расмий суратда жорий этиш... кифоя қилмайди, балки бошқариш ишларини амалий суратда йўлга қўймоқ, ҳар кунги ва мунтазам ишда текшириб бормоқ керак».

КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларининг моҳияти ҳам Советлар ишига янги омил бахш этишдан, уларнинг меҳнаткашлар билан алоқасини мустаҳкамлашдан, социал-иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги ролини юксалтиришдан иборат.

Давлат аппаратини, бутун бошқарув органлари системасини такомиллаштириш, халқ контролининг, касаба союзларининг, комсомолнинг, бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш, турмушимизнинг жуда турли-туман соҳаларида социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг реал йўлидир.

Социалистик жамиятнинг асосий ячейкаси бўлмиш меҳнат коллективининг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги муносабати билан мамлакатни бошқаришда меҳнаткашларнинг иштирок этиши учун жуда кенг имкониятлар очилмоқда.

Меҳнат коллективларининг демократик имкониятдан тўла-тўкис фойдаланиш хўжалик фаолиятини яхшилашини, социал масалаларини самарали ҳал этишга, соғлом маънавий иқлимни қарор топтиришга кўмаклашишини тажриба кўрсатиб турибди.

Партиянинг кўп қиррали идеологик иши ҳам совет кишиларининг онглилиги ва эътиқоди замиридаги ижодий кучларни ҳаракатга келтиришга қаратилган. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумидан кейин ўтган вақт шу Пленумда қабул қилинган қарорлар актуаллигини тасдиқлади.

Мамлакат олдида турган иқтисодий, социал-сиёсий, халқаро вазифаларни идеологик жиҳатдан таъминлаш учун тарбия ва пропаганданинг ҳамма воситаларидан янада самарали фойдаланила бошланди. Бу вазифаларни ҳал этишда партия янги инсонни камол топтириш — энг муҳим мақсадгина бўлиб қолмай, айни вақтда жамият ҳар томонлама тараққиётининг зарур шарти ҳам эканлигига асосланиб иш тутмоқда.

Марксизм-ленинизм ғояларига астойдил садоқатли ишчилар синфи билан колхозчи-деҳқонлар халқнинг маънавий турмушини бойитишга, коммунизм бинокорларининг олий маънавий принципларини ишлаб чиқишга ҳал қилувчи таъсир ўтказмоқдалар.

Бу соҳада маориф, маданият, адабиёт ва санъатнинг роли чиндан ҳам бебаҳодир. К. У. Черненко СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг юбилей пленумидаги нутқида таъкидлаганидек, партия Октябрдан кейин меҳнат билан маданият ўртасида вужудга келган қудратли иттифоқ бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверишига, совет зиёлилари ривожланган социализмни такомиллаштиришдан иборат муштарак ишга бундан буён кўпроқ ҳисса қўшаверишларига аминдир.

Совет кишилари жамиятимизнинг маънавий ҳаёти бундан буён ўзининг ҳамма қирралари билан ярқираб, ўзининг бутун бойлиги, бутун улуғворлиги, бутун латофати билан жилоланиб бораверишини кутади ва бунинг учун ҳамма асослар бор.

Бизда ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Партиянинг ёшлар тўғрисидаги зўр ғамхўрлиги ҳам мана шундан келиб чиқади. Ёш авлод олдида шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун ҳамма имкониятлар очиқ.

Совет ёшларининг тақдири билан капиталистик жамиятдаги ёшларнинг тақдири ўртасида нақадар катта фарқ борлиги равшан! Бу ерда ўша жамиятнинг бутун социал тарзи билан ёшларнинг дили мажруҳ қилинмоқда, уларга қўпол кучга сиғиниш руҳи сингдирилмоқда, улар милитаризм руҳида тарбияланмоқда. Бу — назария эмас, балки практикадир. Айни ёшлар биринчи галда ишсизлик, гиёҳвандлик, жиноятчилик қурбони бўлмоқда.

Буржуа ахлоқи ва урф-одатларини рад этганлар таъқиб остига олинмоқда. Тинчлик учун, ҳаёт учун, ядро уруши хавфига қарши ҳаракат қилаётган йигит ва қизлар эса қувғинга учрамоқдалар. Бундай ҳодисалар кундалик воқеа бўлиб қолди.

Социалистик система билан капиталистик система ўртасидаги идеология кураши шароитида партия совет ёшларини ғоявий-ахлоқий, синфий руҳда ва меҳнат жараёнида чиниқтиришни доимо диққат марказида тутмоқда. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш соҳасидаги иш чинакам умумхалқ иши тусини олганлиги ғоят қонуниятлидир.

Биз ёшларимизнинг ғоявий эътиқодли, гражданларча етук, меҳнатсевар, Ватан тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, Октябрь ишини муносиб давом эттиришга тайёр бўлишларини хоҳлаймиз.

Совет ёшлари, унинг жанговар авангарди, партиянинг содиқ ёрдамчиси — комсомол ўзининг шонли ишлари билан ўзидан кутилган умидларни оқламоқда.

Мамлакатимиз олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Коммунистик партия раҳбарлигида бу вазифалар муваффақиятли ҳал этилишига, белгиланган мақсадларга эришилишига совет кишиларининг ишончи комил.

## II. Ленинча ташқи сиёсатнинг тантанаси йўлида

Ўртоқлар!

Улуғ Октябрь социалистик революцияси қилганидек жаҳон сиёсати ўзанини кескин буриб юборган воқеаларни тарихдан топиб бўлмайди.

Халқ оммаси халқаро турмуш саҳнасига қадам ташлаб ўз тақдирининг ижодкори бўлиб қолди.

«Большевиклар, — деб уқтирган эди В. И. Ленин, тамоман бошқача халқаро муносабатлар вужудга келтираётганлигини, бу халқаро муносабатлар барча эзилган элларнинг империалистик зулмдан қутулишига имкон бераётганлигини халқ кўриб турибди».

Лениннинг сулҳ тўғрисидаги декрети қабул қилинган даврдан буён тинчлик ва социализм тушунчалари эгизак бўлиб қолди.

Совет давлатининг В. И. Ленин ишлаб чиққан ташқи сиёсатида илмий коммунизм назарияси билан ғалаба қозонган социализм практикаси, пролетар интернационализми ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принциплари бир бутун бўлиб бирлашди. Бу сиёсат тинчлик, мустақиллик, социал тараққиёт йўлидаги курашда халқларга мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади.

Октябрдан кейинги дастлабки йилларда шундай бўлган эди. Ҳозир эса бу сиёсат юз карра тўғридир.

Воқеаларнинг боришига социалистик система ҳал қилувчи таъсир ўтказаётганини халқаро турмуш практикаси инкор қилиб бўлмайдиган тарзда тасдиқлаб турибди. Бу системада уч қитъа — Европа, Осиё, Америка давлатлари бор. Уларнинг кўплари бу йил социалистик давлат сифатида дунёга келганликларининг юбилей кунларини нишонламоқдалар.

Социалистик ҳамдўстлик халқаро ишларда соғлом ташаббусларнинг мужассам ифодачиси ва ҳимоячиси сифатида курашиб келаётганлигини, тинч умуминсоний идеалларни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганлигини кўрсатувчи тобора янги-янги далиллар ҳар куни намоён бўлиб турибди.

Мана салкам ўттиз йилдирки, суверен давлатларнинг ихтиёрий иттифоқи — Варшава Шартномаси ташкилоти социализм ғалабалари посбонлигида енгилмас қалъа бўлиб турибди, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига пухта хизмат қилиб келмоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг шу йил ёзда Москвада олий даражада ўтказилган иқтисодий кенгаши, К. У. Черненко ҳамда бошқа совет арбобларининг социалистик мамлакатлар партия ва давлат раҳбарлари билан учрашувлари қардош давлатлар бирлиги мустаҳкамланиб бораётганлигининг яққол далили бўлди.

Социалистик давлатларнинг қудратли оиласи танлаб олган йўлдан комил ишонч билан олға бораётганлиги ғанимларимизга ёқмаяпти. Улар сафларимизни парчалашни истардилар. Социалистик ҳамдўстликнинг жипслиги ёқмаётган кимсалар қандай усулларни ишга солишмаяпти, дейсиз. Нима ҳам дердик, қардош социализм мамлакатларига эса, бундай жипслик ёқади, ҳатто жуда ҳам ёқади.

Бу — маслакдошларнинг онгли жипслигидир. Бу жипслик ғоят катта куч, жуда зўр обрў-эътибор бўлиб, тинчлик сиёсатимизни самарали равишда қаттиқ туриб ҳимоя қилиш имконини беради.

Социализм халқаро позицияларининг мустаҳкамлиги гарови қалин бирликдадир. Бизнинг партиямиз қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверади.

Маълумки, Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни нормаллаштириш, яхшилаш тарафдоридир. Буни биз жумладан, энг юксак даражада ҳам неча марталаб таъкидлаганмиз. Иккала мамлакат вакиллари ўртасидаги мулоқотларнинг давом эттирилишини фойдали ва муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг кўз ўнгимизда капиталистик мамлакатлар ишчилар синфининг монополиялар танҳо ҳукмронлигига қарши, иқтисодий ва социал талабларнинг қондирилиши учун, инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги жуда кучли намойишлар содир бўлмоқда. Зиммасига оғир, аммо олижаноб вазифа тушган коммунистик ва ишчи партиялар биринчи сафларда бормоқдалар. Бугунги кунда ана шу намойишлар тинчлик учун, ядро уруши хавфига қарши кураш билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетмоқда.

Империалистларнинг халқларга ёт тартибларни тиқиштириш йўлидаги уринишларига қарши ҳаракат қилишда, халқларнинг эркин ва мустақил ривожланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ишида жаҳон социализми билан миллий озодлик ҳаракатларининг манфаатлари ҳар қачонгидан кўра бир-бирига кўпроқ мос бўлиб тушмоқда. Ҳозирги замоннинг империализмга қарши таъсирчан кучи — қўшилмаслик ҳаракатининг тинчлик учун курашга қўшган ҳиссаси салмоқлидир.

Ҳиндистон Республикасининг атоқли раҳбари — Индира Гандининг номи қўшилмаслик ҳаракати тарихида ҳамиша сақланиб қолади. Унинг мудҳиш жиноят натижасида ҳалок бўлганлиги — барча тинчликсевар кучлар учун оғир жудоликдир.

Совет кишилари ҳинд халқи билан бирдам эканликларини изҳор этадилар, улуғ мамлакат — бизга дўст Ҳиндистон раҳбарларига Жавохарлаъл Неру билан Индира Ганди васият қилган ташқи сиёсат йўлини давом эттиришда сабот-матонат тилайдилар. Бу йўл СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги яхши қўшничилик ҳамкорлигини халқларимиз бахт-саодати йўлида, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида муттасил ривожлантириб боришга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Жамоатчиликнинг урушга қарши ҳаракати халқаро вазиятга тобора кўпроқ таъсир ўтказмоқда. Бу ҳаракат кишиларнинг ўз келажагидан, инсониятнинг келажагидан хавотирлиги кучайиб бораётганлигини ифода этади. Барча эътиқод, ёш ва касблардаги кишилар ўз курашлари билан инсоннинг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолиш муддаосини ўз ўзидан изҳор қилмоқдалар.

Шу муносабат билан айни мана шу энг биринчи ва энг асосий ҳуқуққа муносабат мисолида НАТО блокидаги мамлакатларнинг баъзи пойтахтларида бўлган инсон ҳуқуқлари сохта ҳимоячиларининг бутун риёкорлиги яққол кўриниб турганлигини айтиб ўтиш керак. Шу ҳуқуқлар тўғрисида гапирадилару, ўз сиёсати билан эса одамларнинг яшашга бўлган ҳуқуқини поймол этмоқдалар.

Ҳозир ҳар бир соғлом фикрдаги киши ўз олдида ва умуман инсоният олдида бугунги кунда ё ҳаёт ё мамот йўли турганлигини англамоқда. Ёки қуролланиш пойгасини давом эттиравериб, ҳалокат хавфига дучор бўлиш, ё бўлмаса қуролсизланиб, турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш керак. Бундан бошқа йўл йўқ.

Империализмнинг урушқоқ доиралари, бу гап аввало АҚШга тааллуқлидир, халқаро ишларда милитаристик йўлга қаттиқ ёпишиб олмоқдалар. Таркиб топган ҳарбий стратегик мувозанатни бузишга интилиш, ҳарбий устунликка эришишга умид боғлаш — улар қилаётган авантюраларнинг энг хатарлисидир. Улар барча йўналишларда телбаларча қуролланиш пойгасини авж олдириб юбордилар. Ҳозир дунё қурол-яроғларга кўмиб ташланди деса бўлади. Аммо қуролларнинг тобора янги-янги тоғдек уюмлари қалаштириб ташланмоқда.

АҚШнинг мана шундай сиёсати ва унинг ҳаракатлари тинчликка таҳдид солмоқда, буни Совет Иттифоқи неча марталаб кўрсатиб ўтди. Шу сиёсатнинг моҳиятини тинчлик ниятлари тўғрисида ҳар қандай гап-сўзлар билан яшириб бўлмайди, кейинги вақтларда Вашингтонда шундай гап-сўзлар эшитилиб турибди, аммо бу гап-сўзлар амалий ишлар билан мустаҳкамланмаяпти.

НАТО блокининг раҳбарлари шуни билишлари керакки, уларнинг ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги даъволари ҳеч қачон амалга ошмайди. Совет Иттифоқи ўз иттифоқчилари билан биргаликда уларни шу ҳақда огоҳлантириб қўйди.

Америка Қўшма Штатлари дунёнинг турли районларида вужудга келтирилган ҳамда СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қаратилган кўпдан-кўп ҳарбий базалар тўғрисида унинг олдига бундан буён ҳам жиддий талаб қўйиб, ана шу базалар тўғрисидаги масалани унинг олдига қўяверамиз. Эртами, кечми, бунга чек қўйилиши лозим!

АҚШ милитаристик сиёсатининг моҳияти унинг ядро қуролига маҳлиёлигида айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Бундай сиёсатни ўтказаётган кимсаларга ядро урушига тайёргарлик кўриш — инсониятга қарши ғоят оғир жиноят эканлигини эслатиб ўтиш керак. Энг мўътабар халқаро анжуман — БМТ шундай ҳукм чиқарди.

Шундай жиноий муддаоларни рағбатлантираётган, Ғарбий Европада Американинг янги ядро ракеталари жойлаштирилишига розилик берган, қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш жараёнига тўсқинлик қилишга, музокараларни барбод этишга бевосита қўл урган НАТО мамлакатларидаги сиёсий арбоблар ҳам жавобгарликдан қочиб қутила олмайдилар.

Ҳозирги пайтда космосни ҳарбий рақобат майдонига айлантиришга шай бўлиб турибдилар. Телбаликдан иборат бундай режаларни ҳам асло оқлаб бўлмайди.

Америка Қўшма Штатларининг қурол яроғларни чеклаш ва қисқартириш масалаларидаги позицияси (бу эса биринчи навбатда ядро қуролига тааллуқли) — боши берк кўчалар позициясидир. Янги аҳдлашувлар йўлига тўсқинлик қилибгина қолмай, шу билан бирга илгари тузишга муваффақ бўлинган аҳдлашувларни ҳам барбод этмоқдалар.

Вашингтон бугунги кунда қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш проблемасига ёндашувда нималарга амал қилаётганлигини хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қуролсизланиш йўлига қуролланиш пойгасини тўхтовсиз кучайтиришдан иборатдир, дейиш мумкин. Бу беъманилик эмасми? Ҳа, мантиқ ва соғлом фикрнинг барча қонунларига қараганда ҳам ўтакетган бемаъниликдир. Бироқ уруш ва тинчликнинг ғоят муҳим масалаларида айни мана шу бемаънилик ҳозир АҚШ сиёсатига асос қилиб олинган.

Қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш жараёнига содиқ бўлиб қолаётган Совет Иттифоқи ҳеч кимнинг манфаатларини камситмайдиган битимларга эришиш мақсадида жиддий ва ҳалол музокараларга тайёрдир. Биз бу ҳақда АҚШ ҳукуматига неча марталаб аниқ-равшан қилиб айтганмиз.

Вашингтоннинг ҳаммадан кўра кучлироқ бўлишга, суверен давлатларнинг тақдирини ҳал этишга, ҳаммага ва ҳар жойда ўз ҳукмини ўтказишга қаратилган йўли бошқа халқлар ва давлатларнинг ички ишларига қўпол аралашишда ўз ифодасини топмоқда. Дунё шундай аралашувнинг кўпдан кўп фактларига шоҳиддир.

Бирон бир халқ ўз ривожланиш йўлини эркин танлаб олиши биланоқ тазйиқ ўтказишнинг барча воситаларини ишга солмоқдалар. Бу иш бермай қолган тақдирда эса тўғридан тўғри интервенциядан ҳам қайтмаяптилар.

Ҳимоясиз Гренадага қилинган ҳужум, Никарагуага қарши эълон қилинмаган уруш — булар АҚШ ўтказиб келаётган давлат терроризми жиноий сиёсатининг кўринишларидир.

Халқлар бундай сиёсатни тобора қатъият билан рад этмоқдалар. Ўз масъулиятини англаётган жиддий давлат арбоблари бугунги кунда зўравонлик, муҳолифлик категориялари билан фикр юритиб, халқаро ишлардаги сиёсатни шу асосда қура оладиларми? Бундай иш тутиш — ҳаётдан ажралиб қолган тасаввурларга асир бўлиш демакдир.

Баъзи арбоблар шундай йўлни ўтказа туриб, ижтимоий тузум сифатида социализм шаънига жуда кўп қаттиқ сўзларни ишлатмоқдалар. Улар социализмни қисиб қўйишни, ҳатто бундан ҳам кўпроқ ишлар қилишни истардилар. Буларнинг ҳаммаси жиддий эътиборга лойиқ эмаслиги равшан.

Социализм тарихдан жой сўрамайди, унинг ўзи тарихдир. Кимдир буни тушунмас экан, биз афсусланамиз.

Европа тинчлиги ва ялпи тинчликка мана 40 йилдан буён асос бўлиб келаётган нарсага фақат калтабин кишиларгина тажовуз қилишлари, Ялта ва Потсдам тарихий битимларини шубҳа остига қўйишга уриниб кўришлари мумкин. Дарҳақиқат бу битимлар барча турдаги реваншчиларнинг қўлларини маҳкам боғлаб турибди. Битимларнинг аҳамияти ҳам аввало мана шундадир.

Воқеалар боришининг ўзи шу битимларни халқаро ҳуқуққа асос қилиб қўйган. Фашизм устидан ғалаба қозониш йўлида йигирма миллион совет кишиси жонини фидо қилди. Гитлерга қарши коалициядаги мамлакатларнинг миллионлаб кишилари тинчлик учун, бундан буён ҳеч қачон немислар диёридан уруш хавфи чиқмаслиги учун курашда ҳалок бўлдилар.

Реванш олиш ва Европадаги давлатларнинг чегараларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида орзу қилаётган телбаларга герман рейхи иккинчи жаҳон уруши алангасида куйиб кул бўлганлигини яна бир марта айтиб ўтиш керак. Унга энди асло қайтилмайди.

Немислар диёрида Германия Демократик Республикаси — социалистик немис давлати мавжудлигидан қувонамиз ва фахрланамиз. Яқинда ўзининг 35 йиллик юбилейини муносиб равишда нишонлаган Германия Демократик Республикасининг социалистик қурилиш йўлидан муваффақиятли равишда ҳаракат қилиб бораётганлиги — жанг қилган ҳамда фашист агрессорларни тор-мор этган халқлар тинчлиги ва дўстлиги тўғрисидаги орзунинг рўёбга чиққанидир.

Барча турдаги реваншчилар ва ярим реваншчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, шуни билиб қўйишлари керакки, дўстимиз ва иттифоқчимиз — Германия Демократик Республикасининг чегаралари дахлсиздир ва шундай бўлиб қолади.

Биз ва иттифоқчиларимиз тарихни қайта ёзиш режаларини тузаётган кимсаларни жуда равшан қилиб огоҳлантирамиз.

НАТО блокидаги мамлакатлар сиёсатининг йўли барча қитъалардаги кишиларнинг хавотирлигини кучайтирмоқда. Бу кишилар шу мамлакатларнинг ҳукуматларидан тинчликни мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатишга, давлатлар ўртасидаги ҳам регионал, ҳам норегионал можароларнинг манбаларини тугатишга қаратилган ғоят масъулиятли сиёсатни кутмоқдалар.

Тинчлик учун мураккаб бўлган ҳозирги пайтда халқлар социализм дунёсига, социалистик давлатларга ўз нигоҳларини қаратмоқдалар. Биз буни ҳар бир қадамда ҳис этмоқдамиз. Биз шу ишонч умидни оқлаш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиб келдик ва бундан буён ҳам шундай қилаверамиз, барча халқлар учун тинчлик ва хавфсизлик сиёсатини ўтказишда куч-ғайратларни ошираверамиз.

(Давоми учинчи бетда).

